Мукаммал-таъмирлаш ишларини бажариш буйича

№ 5- сонли пудрат

# ШАРТНОМАСИ

2022 йил « 30 » Ноябрь Уйчи шахарчаси

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Уйчи туман мактабгача таълим бўлими номидан низом **асосида** иш курувчи Э.Турабоева бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **«Nodirabegim Qurilish Servis» MChJ** номидан **М.Насриддинов** иккинчи томондан Узбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тугрисида»ги 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли конуни талабига асосан электрон порталга куйилган 2022 йил 28-Ноябрдаги № **192386**-сонли эълонга асосан мазкур пудрат шартномасини тузди лар

## I.Шартнома мавзуси

1.Пудратчи мазкур шартнома буйича «Буюртмачи» тасарруфидаги **39-сонли мактабгача таълим ташкилоти** биносини мукаммал таъмирлаш ва ёрдамчи бино куриш ишларини бажариш мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофик объектларни Жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни кабул килиш ва конунчиликда белгиланган тартибда туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II.Умумий шартлар

1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошка харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдикланган (Ф-2, Ф-3) асосида хисобга олинади хамда тулов учун такдим этилади.
2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини уз вактида бушатиб беради.
3.Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28-кунигача Пудратчи томонида Буюртмачига такдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдикланади.
4.Буюртмачи Пудратчи дан бажарилган ишларни микдори ва сифатини текшириб кабул килиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета хужжатларига тугри келмаса Пудратчи камчиликларни уз хисобидан бартараф этади.

## III.Пудратчининг мажбуриятлари

1.Барча ишларни мазкур шартномада наъзарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.
2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомда субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг ном ва манзили тугрисида хабардор килиши.
3.Курилиш вактида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дарахтни ва ер участкани мухофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.
4.Мазкур шартномада наъзарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
5.Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг тулик уз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.
6.Таъмирлаш давомида лойиха смета хужжатларида хисобга олинмай колиб кетган ишларни ва тула муносабат билан кушимча ишларни бажариш ва курилишнинг смета кийматини ошириш зарурлигини аникласа бу тугрисида Буюртмачига ёзма равишда хабар беради.

LR30236165

Кўриб чиқган юрист: SULTONOVA ZUXRA JURABOYEVNA. Хужжат рақами: KQ4674260803

## IV.Буюртмачининг мажбуриятлари

1.Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини наъзорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларини кабул килиб олиш.
2.Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур ижро хужжатлари руйхатини такдим этиши.
3.Мазкур шартномада наъзарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## V.Туловлар ва хисоб-китоблар

1.Шартноманинг тузилаётган вактдаги умумий суммаси **419 000 000 (Тўрт юз ўн тўққиз миллион) сум** этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов тендер савдолари натижасида аникланган катъий сумма хисобланиб, амалдаги бозор нархларининг узгаришига ёки иш хаки туловларининг ошишига боглик равишда узгармайди.
2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сунг 30 фоиз микдорида аванс утказади, бу эса **125 700 000 (Бир юз йигирма беш миллион етти юз минг) сумни** ташкил килади. Колган туловлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 15 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.
3.Хисоб – китоб шакли: Пудратчининг банкдаги хисоб-ракамига пул утказиш йули билан амалга оширилади.
4.Шартнома буйича Пудратчи таъмирлаш ишларини 01-Декабрь 2022 йилдан бошлаб 26-Декабрь 2022 йилгача тулик бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишларини муддатидан олдин бажариш хукукига. Бундай холатда узил-кесил хисоб-китоблар амалдаги конунчиликда ва ушбу шартномада курсатилган тартибда амалга оширилади.
5. Пудратчи объект топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган такдирда Пудратчи бу хакида конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор килиш керак.

## VI.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1.Пудратчи объектнинг уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбурятларини бузиб,ишларни вактида бажармагани учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбурятларни бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
2.Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар учун хаққини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Пудратчига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
3.Пеня тулаш Пудратчини ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

## VII. Низоларни хал этиш тартиби

1.Шартномани бажаришда ва бекор килишда, шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этаолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан куриб чикилади.

## VIII. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

1.Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари туфайли ва бошка енгиб булмайдиган кучлар натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бунда тулик ёки кисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2.Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган. Шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутоносиб равишда узайтирилади.
3.Агар енгиб булмайдиган куч холатлар ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чузилса у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

## IX.Шартномани бекор килиш

1.Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда
2.Конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга
3.Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда
4.Объектда таъмирлаш ишлари Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда.
5.Буюртмачи томонидан молиялаштириш тухтатиб куйилганда конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
6.Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
7.Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида тутилган холлар бундан мустасно.

## X.Алохида шартлар

1.Мазкур шартнома имзолангандан кейин мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасида барса олдинги ёзма ва битимлар,ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучин йукотади.
2.Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари. Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.
3.Мазкур шартномага барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган булса, хакикий хисобланади.
4.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун нормалари кулланилади.
5.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.
6.Шартнома томонлар имзоланиб, Газначилик булинмасида руйхатдан утгандан сунг кучга киради. Амал килиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

| «ПУДРАТЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| **«Nodirabegim Qurilish Servis» MChJ** | **Уйчи туман мактабгача таълим бўлими** |
| **Манзил: Намаган вилояти Давлатобод тумани** | **Манзил: Уйчи туман** |
| **Х/Р: 20 208 000 904 766 997 001** | **Ш.Х.В 400122860142297091100251001** |
| **Банк: АТБ Турон банк** | ИНН: 305150980 ОКОНХ:_____ |
| **МФО: 00446 ИНН: 301119269** | **Уз Рес Молия Вазазирлиги Газначилиги** |
| **Телефон раками: 93 499 07-89** | **Газна х/р 23402000300100001010** |
| | **«Марказий Банк Тошкент ХККМ»** |
| | **МФО:00014. ИНН 201122919** |
| **Рахбар __________ М.Насриддинов** | **МТБ бошлиғи __________ Э.Турабоева** |

OZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYAT NAMANGAN TUMANI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI NODIRABEGIM QURILISH SERVIS

**192386 лот юзасидан шаклланган дастлабки баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана: 30.11.2022 15:52

Комиссия раиси: TURABOYEVA E'ZOZXON MAMAJONOVNA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA TA'LIM VAZIRLIGI NAMANGAN VILOYAT MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI ... UYCHI TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM HOKIMLIGI

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

KQ4674260803

**1**. Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **Pudrat shartnomasi**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Uychi tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 30.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Uychi tumani yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**Z.J.SULTONOVA**

01.12.2022

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"NODIRABEGIM QURILISH SERVIS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"NODIRABEGIM QURILISH SERVIS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

30.03.2009   47   ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 301119269

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Namangan shahri, Davlatobod tumani, 5-a kichik tuman 25-uy 2-xonadon,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Уйчи Туман хокими

______________ Ш.Мусаев

______________ 2022 йил

## Уйчи тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли мактабгача таълим ташкилотларининг 2022-йил капитал ва жорий таъмирлаш дастури бўйича
## МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

| № | МТТ номи | МТТ манзили | Бинонинг қурилган йили | МТТ қуввати | Бажариладиган иш тури | Охирги таъмирланган йили | Бюджет параметрларидан | Бажариладиган иш мазмуни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | | | 2 630 | 0 | | 1 703 236 | 0 |
| 1 | 11 МТТ | Кесканёр МФЙ, А.Темур куча 48-уй | 1980 | 110 | жорий таъмирлаш | | 30 000 | Асосий бинодаги 5 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 824 м.2 |
| 2 | 12 МТТ | Кумтепа МФЙ, Киргизов куча , 52-уй | 1979 | 140 | жорий таъмирлаш | 2 021 | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 835 м.2 |
| 3 | 15 МТТ | Навоий МФЙ, Сирли Масжид куча , 47-уй | 1948 | 90 | жорий таъмирлаш | 2 020 | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 818 м.2 |
| 4 | 16 МТТ | Гулбоғ МФЙ, Рахимов куча , 43-уй | 1975 | 140 | жорий таъмирлаш | 2 020 | 60 000 | МТТ ховлисидаги 420 м.2. асфальт қилиш керак. |
| 5 | 18 МТТ | Пастгузар МФЙ, Намуна куча , 19-уй | 1991 | 140 | жорий таъмирлаш | | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 818 м.2 |
| 6 | 19 МТТ | Беруний МФЙ, Беруний куча , 44-уй | 1974 | 90 | жорий таъмирлаш | 2 021 | 190 000 | Мактабгача таълим ташкилотидаги иситиш батареяларига ёгоч қопламалар ўрнатиш ва бўяш(182 м2). Плескательный бассейн қуриш( кафеллаш, сув тизимини ўрнатиш, сув насос урнатиш). Бетон тротуар қуриш (136 м2 отмоска).Брусчатка ва лоток ўрнатиш (9,4 м2 брусчатка ва 20 м. лоток) |
| 7 | 21 МТТ | Тошлок МФЙ, Райхон куча , 57-уй | 1975 | 140 | жорий таъмирлаш | 2 020 | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 831 м.2 |
| 8 | 22 МТТ | Юксалиш ШФЙ, Янгиобод куча, 1-уй | 1972 | 140 | жорий таъмирлаш | | 180 000 | Эшик ва дераза ромларини замонавий АКФА эшик ва дераза ромларига алмаштириш. (227м.2.) |
| 9 | 23 МТТ | Бустон МФЙ, Камалак куча , 28-уй | 1975 | 140 | жорий таъмирлаш | 2 021 | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 835 м.2 |
| 10 | 25 МТТ | Хужаобод МФЙ, Мактаб куча, 43-уй | 1982 | 140 | жорий таъмирлаш | 2 021 | 68 000 | Асосий бинодаги 5 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 964 м.2 |
| 11 | 27 МТТ | Иттифок МФЙ, Иттифок кўча 64-уй | 1972 | 140 | жорий таъмирлаш | 2 020 | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 824 м.2 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 12 | 29 МТТ | Файзиобод МФЙ, Беруний куча , 89-уй | 1965 | 70 | жорий таъмирлаш | 2 | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 835 м.2 |
| 13 | 30 МТТ | Мустакиллик МФЙ, Фидокор куча, 26-уй | 1972 | 120 | жорий таъмирлаш | 2 020 | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 818 м.2 |
| 14 | 31 МТТ | Навоий МФЙ, Боги эрам куча , 34-уй | 1979 | 140 | жорий таъмирлаш | 2 020 | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 835 м.2 |
| 15 | 34 МТТ | Умид МФЙ, Бахор куча, 28-уй | 1988 | 140 | жорий таъмирлаш | | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 818 м.2 |
| 16 | 37 МТТ | Обод МФЙ, Обод куча , 46-уй | 1979 | 140 | жорий таъмирлаш | 2 020 | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 824 м.2 |
| 17 | 38 МТТ | Дустлик МФЙ, Зиёкор куча , 35-уй | 1979 | 90 | капитал таъмир | 2 021 | 300 000 | 5та бинони (1070м.2) том қисми юмшоқ қопламали бўлиб, яроқсиз холатда. 5та бинони (1070м.2) том қисмини шиферли том қилиш зарур. |
| 18 | 39 МТТ | Олмурут МФЙ, А.Темур куча, 74-уй | 1969 | 90 | жорий таъмирлаш | 2 021 | 606 214 | Асосий бинолар ташқи фасадини водоэмулсияда деворларини шпатлевкада текислаш ва бўяш 888 м.2. Цоколларни суваш ва пол краскада бўяш. (65 м.2.) Благоустройство ишларини бажариш (тратуар 156 метр). |
| 19 | 40 МТТ | Бог куча МФЙ, Бог куча, 38-уй | 1990 | 140 | жорий таъмирлаш | 2 021 | 151 477 | Асосий бинодаги 6 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш (1814 м.2)Ички канализация тармоғини мукаммал таъмирлаш керак ( 18та очко, 6 та душ, 18 та умывальник, 226 п/м канализация линияси, 50 м3.хажмли выгребная яма қуриш керак) |
| 20 | 41 МТТ | Эзгулик МФЙ, Шалдирама куча, 26-уй | 1986 | 140 | жорий таъмирлаш | 2 020 | 30 000 | Асосий бинодаги 4 та гурух хонани водоэмулсияда деворлари хамда потологини шпатлевкада текислаш ва бўяш 818 м.2 |
| 21 | 49 МТТ | Ғайрат МФЙ | 2003 | 150 | капитал таъмир | 2 020 | 300 000 | 200 метр кўрғон девор қуриш, 5 та ёзги айвонча қуриш. |

Уйчи туман хокимининг Қурилиш масалалари бўйича ўринбосари : А.Ғофуров

Уйчи тумани Молия бўлими мудири: А.Махмудов

Уйчи тумани Мактабгача таълим бўлими мудири: Э.Турабоева

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA TA'LIM BOSHQARMASI UYCHI TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI NAMANGAN VILOYAT HOKIMLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI NAMANGAN VILOYATI UYCHI TUMAN HOKIMLIGINING MOLIYA BO'LIMI